

БЕҲБУДИЙ ЖАДИДЛАР РАҲНАМОСИ

**Муаллиф – Азимов Фарход Тешабоевич,
Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти Санъатшунослик
журналистикаси факультети 3-курс талабаси**

Аннотация:

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов сингари Туркистон жадидлари халқни қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариат тамойилларини ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш ва миллий мухториятга эришиш ғоясини илгари сурадилар.

Жадидлар миллий бирлик, маънавий-маърифий ислохотлар билан жамиятни янгилаш, юксалтириш йўллариини излаганлар. Ушбу курс ишида ана шу ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: жадид, маърифат, усули жадидия, миллий ўзликни англаш, матбуот, мухторият, миллий ғоя, "Беҳбудия", смарт.

Аннотация:

Туркестанские джадиды, как Махмудходжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов выдвигали гипотезу освобождения народа от отсталости и религиозных суеверий, реформирования принципов шариата, распространение просвещения среди народа, достижения национальной автономии.

Джадиды искали пути обновления и подъема общества посредством национального единства, духовно-просветительских реформ. В данной статье реферате обсуждаются вышеупомянутые автором идеи.

Ключевые слова: джадиды, просвещение, методы джадидов, национальное восстание, пресса, автономия, национальная идея, "Беҳбудия", смарт.

Abstract:

Turkistan Jadids Maxmodxodja Bexbudiy Munavvarkori Abdurashidkxonov are committed to the liberation of the people from backwardness and religious prejudice, reforming the principles of Shari'a, promoting the nation and achieving national autonomy. Jadids sought for the ways to renew and uplift the society through national unity, spiritual and enlightenment reforms. This article discusses the mentioned ideas of the author.

Key words: jadid, enlightenment, jadid, national revival, press, autonomy, national idea, "Behbudiya", smart.

Таваллуд санасининг 150 йиллигини кенг нишонлаётганимиз Маҳмудхўжа Беҳбудий бутун умрини миллатни уйғотиш ғоясига бағишлаган, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун

бор куч ва имкониятини сафарбар этган буюк шахс, Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамози ва шубҳасиз етакчиси сифатида эътироф этилишга лойиқ.

Тарих, жадидчиликнинг ғоявий отаси бўлган Исмоил Гаспринский таъбири билан айтганда, ўтмишдан сўзлаб келажакни англатади. Яъни, инсонлар ўз ўтмишларини, бошдан кечирганларини ўрганиш ва таҳлил қилиш баробарида келажакда яна нималарни бошдан кечириши мумкинлигини тахмин қилиши, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни такрорламасликни ўрганиши мумкин.

Охириги йилларда катта минбарлардан янграётган “янги Ўзбекистон”, “учинчи ренессанс” каби шиорлар ҳозирги Ўзбекистон ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий жиҳатдан янги бир босқичга кўтарилаётганидан дарак бермоқда. Айни ҳодиса бундан 120-130 йиллар олдин бизнинг яқин ва янги тарихимизда содир бўлган мураккаб ва шу билан бир қаторда жуда шиддатли ва зиддиятли воқеаларга бой кечган давр қайта такрорланаётгандай гўё.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида бутун Шарқ мамлакатлари бўйлаб ёйилган ислохотчилик ҳаракати чор Россияси қўл остида бўлган Туркистон ўлкасига ҳам кириб келди. Бу ислохотчилик ҳаракати тарихга “жадидчилик”, унинг вакиллари эса “жадид” номи билан тарихга кирди. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида сиёсий харитада пайдо бўлган 1991 йилдан ҳозирга қадар олиб борилган тадқиқотларда, ёзилган турли мазмундаги мақолаларда жадидчилик ҳаракатининг моҳияти турлича тадқиқ ва таҳлил қилинди, унинг кўлами ҳамда уни ҳаракатга келтирган шахслар ҳаёти, ижоди, жамиятга бўлган таъсири масалалари ёритилди. Аммо ҳануз тўлалигича очиб берилмади.

Жадидчилик ҳаракатининг фаолияти энг аввало, мактабдан, маорифдан бошланган, ундан кейин матбуот, санъат ва сиёсатга ўтган. Россия ва унинг мустамлакаларида жадидчилик ҳаракатига дастлаб қримлик Исмоилбек Гаспринский асос солди. У 1851 йилда Қримда туғилди. Боғчасарой шаҳридаги мадрасада, кейин эса Симферополдаги кадет корпуси гимназиясида таҳсил олди. 1884 йилда Қримнинг Боғчасарой шаҳрида дастлабки "усули жадид" (янги усул) мактабини очди. Исмоил Гаспринский Туркистон генерал-губернатори Н.Розенбахга ушбу ўлкада мусулмон мактабларини ташкил этишга доир лойиҳасини юборади. Рад жавобини олгач, 1893 йил Туркистонга келиб, Бухоро, Самарканд, Тошкентда бўлади, зиёлилар билан учрашади. Фавқулодда Бухорода бўлганида амир Абдулаҳадни "Музаффария" номи билан жадид мактабини очишга кўндиради.

Шундай қилиб, Туркистонда жадидлар томонидан ташкил этилган “Усули жадид” мактабларида ёшларга сабоқ бериш билан бирга улар учун дарсликлар яратишга киришилади. "Усули жадид" мактабларида ёшларга диний фанлар ва араб тили билан бир қаторда тиббиёт, ҳикмат, кимё, табобат, нужум, хандаса

фанлари, рус, форс тиллари сингари жами 17 тагача фанни ўргатиш мақсад қилиб қўйилади. 1999 йилда Самарқандда Абдуқодир Шакурӣ, Андижонда Шамсуддин домла, 1901 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла биринчи бўлиб жади́д мактабларини очди.

Ўша даврда жади́дчилик ҳаракатнинг яна бир йирик вакили – Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ташаббуси билан Самарқандда янги усул мактаблари очилади. Беҳбудий ушбу мактабларда ёшлар саводхонлигини йўлга қўйиш билан бир қаторда 1904-1909 йилларда "Рисолаи асбоби савод", "Рисолаи жуғрофияи умронӣ", "Рисолаи жуғрофияи Русий", "Китобат ул-атфол", "Амалиёти ислом", "Мухтасар тарихи ислом" каби дарслик ва ўқув қўлланмаларини ёзади.

Шунингдек, XX аср ўзбек миллий матбуоти ва янги усулдаги мактаблар асосчиси, миллий театр ташкилотчиларидан бири, адиб ва шоир Мунавварқори Абдурашидхонов Тошкентда 1901 йилда усули жади́д мактабини очади ва шу мактаблар учун махсус ўқув дастурларини тузади. Унинг "Адиби аввал", "Адиб ус-сонӣ", "Усули ҳисоб", "Тарихи қавми турк", "Тажвид", "Тарихи анбиё", "Тарихи исломия", "Ер юзи", "Ўзбекча тил сабоқлари" сингари асарлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жади́дчилик ҳаракати ҳақида тўхталар экан, “мамлакатимизда Учинчи Ренессансنى йигирманчи асрда маърифатпарвар жади́д боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди” деган фикрни айтиб ўтган эди. Дарҳақиқат, агар тарихий вазият имкон берганида эди уйғониш инқилоби амалга ошган бўлар эди. Бунинг янада чуқурроқ изоҳини яна Президент сўзлари билан айтадиган бўлсак, “бу фидойи ва жонқуяр зотлар бутун умрларини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар”.

Бугун Беҳбудий, Мунавварқори, Авлоний, Фитрат, Ибрат каби жади́дларнинг миллат келажаги, мамлакат тараққиёти ва энг муҳими, унинг мустақилиги, эрки учун қилган меҳнат ва хизматларини аҳолининг кенг қатлами, хусусан навқирон ёш авлодга бори́ча етказиб бериш янғидан кун тартибига чиқди. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлонийлар истиқлол, озодлик, эркинлик учун қилган фидокорлиги, шу билан бир қаторда, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишдаги ҳиссалари учун “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди. Уларга ҳукумат томонидан кўрсатилган бундай юксак эътиборни олдимизда қилинадиган ишларнинг дебочаси деб қабул қилишимиз керак.

Жади́дчилик ва жади́дларнинг бугунги кунда ўрганилиши, тарғиб қилиниши менимча керак эмас, балки зарур, ҳаводай зарур. Биз учинчи Ренессансنى “стратегик вазифа” деб қарасак, уни “миллий ғоя даражасига” кўтармоқчи

бўлсак, жадидларимиз таъкидлаганидек, “ҳар ким ўзгариши керак. Ҳар ким ўзгаришни ўзидан бошлаши керак”. Бу ўринда айниқса зиёлилар, мансабдор маъмурлар ўзгаришни ўзларидан бошламас экан, биз олдимизга қўйган юксак стратегик вазифани уддалай олмаймиз.

Жадидлар ислохотни мактабдан, аниқроғи бошланғич мактабдан бошлади. Бу бежиз эмас эди. Маҳмудхўжа Бехбудий бошлиқ туркистонлик жадидлар бошланғич таълимни она тилида беришга мўлжалланган миллий мактабларнинг умуммиллий институтини яратишга қаратилган дастурни таклиф этди. Бошланғич таълим боланинг она тилида берилиши керак, деган ғояни илгари сурди.

Жадид мактаби, бугунги истилоҳлар билан айтадиган бўлсак, инновацион ва “смарт” мактаб эди. Унда жорий қилинган “товуш усули” бугунги таълимнинг асоси, керак бўлса тамал тоши. Ислохотларнинг бошланғич мактабдан бошлангани ҳам бежиз эмас эди. Чунки мактаб қолган барча нарсанинг пойдевори, у мукамал бўлмас экан миллат тараққиёти ҳақида гапириш ҳам бефойда. Шу сабабдан ҳам учинчи Ренессанс бўсағасида турган янги Ўзбекистонда ҳам мактабгача таълим ва мактаб таълими бўлғуси Ренессанснинг узвий ҳалқаси, жадидлар “аркони миллат” ёки “миллат устунлари” деб билган зиёлилар эса “янги Уйғониш даврининг таянч устуни”, деб қабул қилинди.

Бехбудий “мактабимиз, дўконимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва ҳар нимарсамизни замонча ислоҳи лозимдур” деган шиор билан ислохотни мактабдан, аниқроғи бошланғич мактабдан бошлади. Бу бежиз эмас эди. Мактабни “тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур. Ҳар миллат энг аввал, макотиби ибтидоийсини замонча ислоҳ этиб кўпайтурмагунча тараққий йўлига кируб маданиятдан фойдаланмас” деган ақидани илгари сурган Бехбудий бошлиқ туркистонлик жадидлар бошланғич таълимни она тилида беришга мўлжалланган мактабларнинг умуммиллий институтини яратишга қаратилган дастурни таклиф этди. Эътибор беринг: бошланғич таълим боланинг она тилида берилиши керак. Жадидлар бола бошланғич саводини ўз она тилида чиқариши унга миллат, миллият тушунчаларининг чуқурроқ сингдирилишини таъминлайди деб билдилар.

Бехбудийнинг “умуммиллий ғоя”си тарғиботи учун миллий матбуот керак эди. Жадидлар ана шундай матбуотга асос солди. Жадид матбуоти том маънода фикр алмашиш, илғор ғоя ва фикрларни тарғиб қилиш, баҳслашиш майдонига айланди. Жадид матбуоти том маънода демократик қадриятларни ўзида акс эттирган, фикрлар қарама-қаршилигини кўтара оладиган, ижтимоий-сиёсий мавзуларда танқид қила оладиган матбуот эди. Биргина Бехбудийнинг «Ойна» журнали маърифат ва маданият тарқатиш йўлида миллат ва унинг ҳақ-ҳуқуқига, тарихига, тил-адабиёт масалаларига, дунё аҳволига доир турли мақолалар эълон қилди, бу йўналишда кенг баҳслар учун минбар вазифасини ўтади.

Туркистон жади́дчилигининг йирик тадқиқотчиларидан бири Бегали Қосимовнинг фикрига кўра, Туркистон жади́дларининг газета, хайрия жамиятлари таъсис этиш, янги усул мактабларини ёйиш, театр ишлари ва бошқа барча ҳаракатлари бир миллий ғоя учун хизмат қилди. Унинг таъкидлашича, ҳар бир ғоянинг миллий ғояга айланиши учун икки талабга жавоб бериши керак:

1) ғоя миллатнинг ҳақиқий эҳтиёжидан, турмуш тарзидан, асрий анъаналаридан ва албатта, имкониятларидан келиб чиқиши керак;

2) ушбу ғоя миллат томонидан англаб етилиши, бошқа сўз билан айтганда, миллийлаштирилиши керак. Яъни, ғоя миллатнинг ҳар бир вакили юрагига етиб бориши керак.

Бехбудий миллий ғоясининг яна бир тарғибот курули бу – адабиёт эди. Жади́длар буюк Навоий, Ғузулий, Саъдийни чуқур билгани ҳолда адабиётни халққа, оммага яқинлаштирди, унинг тилида ёзишга ҳаракат қилди. Ва бу ишни уддалади. Бугунги кунда исталган етук бадиий асарлар билан беллаша оладиган Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”и, шеърлари шу тариқа пайдо бўлди. 1916 йилда Тошкентга келиб, Қолизейда “Турон” труппасининг қатор спектакллари кўрган рус шарқшуноси А.Н.Самойлович бежиз: “Туркистонда янги адабиёт майдонга келди. Янги адабиётнинг маркази — Самарқанд... Ёш қаламкашларнинг бош илҳомчиси самарқандлик муфти Маҳмудхўжа Бехбудийдир”, деб ёзмаган эди.

Бехбудий бошлиқ барча жади́длар халқни исрофли тадбирлардан воз кечиб, уларга сарф қилинадиган маблағни миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида миллий кадрлар тайёрлаш учун давлат ва хориж таълим муассасаларида ёшларни тахсили учун йўналтиришга даъват этди. Бехбудий бу ҳаракатни умуммиллий ишлар, олий мақсадлар, хоҳишлар ва интилишлар деб атади. Олий мақсадлар, хоҳиш ва интилишларни амалга ошириш учун эса ирода, аниқроқ айтадиган бўлсак, сиёсий ирода керак эди. Бехбудий XX аср бошидаги Туркистоннинг йирик сиёсий арбоби сифатида Туркистон Мухториятининг ташкил этилишидан 11 йил аввал, 1906 йили “Туркистон миллий-маданий мухторияти” лойиҳасини ишлаб чиққан ва уни юқори миқёсида муҳокама қилиниши учун Россия давлат Думасига йўллаган эди. Бу лойиҳада Бехбудий таълим-тарбия, айниқса ер масаласини қатъий қўйди ва рус муҳожирларини кўчириб келмаслик, ҳосилдор ерлар маҳаллий аҳолининг ихтиёрида қолиши кераклиги ҳақида ёзди.

Бехбудий ўзининг маънавий устози Исмоил Гаспринский каби мусулмонларга сиёсий ҳуқуқлар берилиши мавжуд муаммони ҳал қилмайди, деб ҳисоблади. Унга кўра, замон тили бўлган рус тили ва мавжуд қонунларини билмаслик, ва энг асосийси — мусулмонларнинг замонавий билимлардан хабарсизлиги қўлга киритилган барча сиёсий ҳуқуқларни йўққа чиқаради. Шундай экан, Бехбудий “ҳақ олинур, берилмас... Ғайрат ила олинур” деган

чақириғи энг аввало, миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмаслигини англатади.

Шу ўринда Бехбудийнинг жаидларнинг ёш авлоди тўғрисидаги фикрларини келтириб ўтиш ўринли. Бехбудийга кўра, жаидларнинг ёш авлоди ўртасида ғоявий жихатдан ихтилоф бор эди. Айнан ана шу ихтилоф сабаб халқ жаиддан юз ўгирди. Бехбудий ёшларни тезроқ ўзаро келишув йўлини топишга ва йўқотилган халқ ишончини қайтаришга чақиради. Чунки “умуммиллий ғоя” йўлида бир бўлиб ҳаракат қилмаслик миллатни бўлинишига ва айрим умуммиллий лойиҳаларнинг муваффақиятсизликка учрашига олиб келиши мумкин.

Маҳмудхўжа Бехбудий, Шавкат Мирзиёев таъриф берганидай, “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас” деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билди. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-ҳунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, бугунги мураккаб даврда Ўзбекистонда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни кучайтириш, мустақил фикрига эга ҳамда фидойи ва ватанпарвар авлодни етиштиришда Маҳмудхўжа Бехбудий тарғиб қилган ғоялар ўта муҳим ва долзарблигини йўқотмаган. Шу сабабдан ҳам унинг ғоявий мероси “биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак”.

Президентимиз томонидан 2024 йил 27 декабрда қабул қилинган “Туркистон жаидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарор жаидлик ҳаракатининг раҳнамоси руҳига кўрсатилган бекиёс эҳтиром бўлди.

Мустақиллик даврида Маҳмудхўжа Бехбудий хотирасини абадийлаштириш, ҳаёти ва фаолиятини чуқур тадқиқ қилиш, илмий ва бадиий асарларини кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, кейинги йилларда Тошкент шаҳридаги Адиблар хиёбонида унинг хайкали ўрнатилди, Самарқанд шаҳрида уй-музейи ташкил қилинди, истеъдодли драматурглар учун Маҳмудхўжа Бехбудий номидаги мукофот таъсис қилинди.

Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди:

— мутафаккир адибнинг “Танланган асарлар” тўплами, унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий-оммабоп китобларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

— Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақида спектакллар сахналаштириш ҳамда бугунги кунга қадар яратилган “Маҳмудхўжа Бехбудий” киносериали ва “Халқ

юраги” бадиий-публицистик фильмларининг оммавий намойишларини ташкил қилиш;

— умумий ўрта таълим муассасалари, ижод мактаблари ўқувчилари, “Темурбеклар мактаблари” курсантлари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Маҳмудхўжа Бехбудий сабоқлари” мавзусида иншолар танлови ўтказилди ва ғолиблар муносиб тақдирланди.

— 2025 йил октябрь ойида “Маҳмудхўжа Бехбудий мероси ва жадидчилик ҳаракатини ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил қилиш;

— 2025 йил ноябрь ойида Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантанали адабий-маърифий хотира кечасини ўтказиш кўзда тутилган.

Яна бир гап. Мен гарчи талаба бўлсамда, Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг минтақадаги муносиб ўрнини кўрсатиш, жадидлар фаолияти ва ижодини чуқур ўрганиш, кенг кўламли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида етук маърифатпарвар, сиёсатчи, адиб, ношир, публицист, журналист ва қолаверса ўзбек халқининг буюк фарзанди Маҳмудхўжа Бехбудий номи билан аталадиган “Жадид тадқиқотлари Академия”сини ташкил қилишни таклиф қиламан. Чунки Маҳмудхўжа Бехбудий раҳнамолигида жадидлар замонавий ўзбек жамияти ва давлатчилиги шаклланишига муносиб ҳисса қўшдилар ва улар шу эътирофга арзийди, деб ўйлайман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жадидчилик: ислоҳот, янгилаш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Т.: Университет, 1999.
2. Алимова Д.А. История как история, история как наука. 2 часть. – Ташкент: Узбекистан, 2009.
3. P. Hoji Yusupov. “Yosh xivaliklar harakati: quvonchlar iztiroblar, fojealar” // Nashrga tayyorlovchi Umid Bekmuhammad // ziyo.com.uz.
4. О. Қўшжонов, Н. Полвонов. “Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар” Тошкент. Abu Matbuot-Konsalt. МСНЖ.2007 йил.
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида (tuzuvchilar M.Jo'rayev, R.Nurullin, S.Kamolov va boshqalar). Т. “Sharq”-2000.
6. Рустам Шарипов. Туркистон жадидларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари (Абдурауф Фитрат ва Маҳмудхўжа Бехбудий ижоди мисолида). – Тошкент: 2002 й.
7. Жўрабой Яхшиликков, Нилуфар Убайдуллаева. Жадидчилик ва Бехбудий. – Тошкент : «Фан» нашриёти, 2004. - 188 бет.

8. Сотимжон Холбоев ва муаллифлар жамоаси. Туркистон жадидчилиги - миллий уйғониш даври тарихи (XIX аср охири XX аср бошлари). – Наманган: “Наманган” нашриёти, 2012.

9. Улуғбек Долимов. Туркистонда жадид мактаблари. – Тошкент: “Университет”, 2006. Ўқувчи. Ўзбек билим юртининг бу йилги холи // Туркистон. 1923 йил 28 октябрь.

10. Йўлдошев Н. Маърифат фидойилари // Гулистон. – Тошкент, 1991. – № 4-6. – Б.20-21.

11. Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате. – С.86. 127 // Туркестанские ведомости, 1911. – 14 апрель.

12. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924).

13. Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. – Тошкент: Abu matbuot konsalt, 2011. – Б.8.